

Бақара сураси, 151-оят

23:40 / 18.12.2017 5009

Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик. Бақара 151.

Эътибор қилинса, ушбу оятда Байтуллоҳни бино қиладиганларида Иброҳим алайҳиссалом қилган дуонинг айнан ўзи келмоқда. Демак, ўша машҳур дуони ижобат этиб, Муҳаммад алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юбориш ҳам Каъбаи Муаззамани қибла қилишдан олдинги улуғ неъмат ҳисобланар экан.

Ояти каримада

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан... Расул юбордик», дейилиши мусулмон уммати учун катта бахт ҳисобланади. Оятдаги баён шундайки, худди Аллоҳ таоло мусулмонлар билан алоҳида қолиб, уларга Ўзи берган неъматлар, фазлларни бирма-бир санаб бераётганга ўхшайди:

Биринчидан, ўзингиздан танлаб, Расул юбордим.

Иккинчидан, у Расул сизларга оятларимни тиловат қилиб беради.

Учинчидан, у сизларни поклайди. Аллоҳ ирода қилмаса, сизларни ким поклаши мумкин эди, ахир?!

Тўртинчидан, у Расул сизларга Китобни – Қуръонни ўргатади.

Бешинчидан, ҳикматни ўргатади.

Олтинчидан, билмайдиган нарсаларингизни ўргатади.

Мазкур ишларнинг барчаси Аллоҳнинг улуғ неъматларидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бундай неъматларни ато эта олмайди.